

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2023 йил апрель ойининг 3 куни жиноят ишлари бўйича Норин туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида

Раислик қилувчи судья: **Б.Эргашев**

судья ёрдамчиси М.Муродовнинг котиблигида, томонлардан Норин туман прокурори А.Турғунов, судланувчи И..... ва унинг ҳимоячиси “E’TIBORLI NIHOYA” адвокатлик бюроси адвокати Ф.Умурзаков ва жабрланувчининг қонуний вакили Ж.....нинг иштирокида,

1997

йил 21 июнь куни Наманган вилояти Норин туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, бир нафар фарзанди бор, судланмаган, ишламайди, Наманган вилояти, Норин тумани, Фурқат МФЙ, Беруний кўчаси, 49-уйда яшайди, эҳтиёт чораси тариқасида муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат қўлланилган, айблов далолатнома нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбланганга оид 1-1605-2301/65-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов органи ҳужжатларига кўра, И..... 2023 йил 30 январь куни соат 18:00 ларда бошқарувида бўлган “Нексия-2” русумли, 50 С 047 МА давлат белгили автомашинасини Норин тумани, Бўзўлмас МФЙ ҳудудидан ўтган “Сирмоқ-Бўзўлмас” автомобиль йўлининг 4-км.да бошқариб бораётиб, ҳаракат хавфсизлигини таъминлай олмасдан, қарама-қарши йўналишга ўтиб кетган ҳолда “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 3-бандида “Йўл ҳаракати қатнашчилари “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини, ушбу Қоидаларни ва унда келтирилган светофор ишоралари, йўл белгилари (ушбу қоидаларга 1-илова), 11-бандида Транспорт воситасининг ҳайдовчиси куйидагиларга мажбурдир: г) ҳаракатланиш жараёнида бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларига, айникса, пиёдалар, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини куриши; 77-бандида “Ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши керак. Тезлик ҳайдовчига ушбу Қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш



имкониятини бериши керак. Ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак” деган қоидаларни бузиб, ўзига нисбатан йўлнинг чап томонидан ўнг томонига ҳаркатланаётган велесипедчи Ғ.....ни уриб юборган.

РСТЭИАМ НВФ Норин туманлараро бўлинмасининг 2023 йил 6 февралдаги 84/54-сонли хулосасида, Ғ.....да бош мия ёпиқ шикасти, бош мия лат ейиши, чап яноқ суягини, ёпиқ синиши, умуртка поғанаси, орқа мия ёпиқ шикасти, 2-бўйин умртқасини асоратли синиши, орқа мия бўйин сегментларни лат ейиши, мия шиши, ўнг сон сохаларида қонталаш кўринишида бўлиб, жароҳат қаттиқ ўтмас буюм таъсирида келиб чиққанлиги, муддати қарорда кўрсатилган вақтда ва йўл-улов ҳодисасига тўғри келиши мумкинлиги, оғирлик даражасига кўра хаёт учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати гуруҳига кириши кўрсатилган.

Судланувчи И..... судда, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, содир этган қилмиши оқибатини англаганлиги, жабрланувчиларга етказилган зарарни тўлиқ қоплаб, бартараф қилганлиги, ҳозирда жабрланувчилар билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув билан тугатишни сўради.

Жабрланувчининг қонуний вакили Ж..... судда, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, И.....га нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланиб, бартараф қилинганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирор-бир тазйиқ бўлмагани, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунишгани ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув билан тугатишни сўрашди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд жабрланувчининг қонуний вакили Ж..... судланувчи И.....нинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Норин туман прокурори А.Турғуновнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги хулосасини, адвокат Ф.Умурзаковнинг фикрини эшитиб, судланувчи И..... айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарарларнинг тўлиқ қоплаб, бартараф қилганлиги, жабрланувчининг қонуний вакили ва судланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув судланувчи ва жабрланувчининг



қонуний вакилини хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, И.....га нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбланган [REDACTED] га нисбатан юритилган жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

Р.Мамасодиқовга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси мазкур ажрим қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ажрим устидан йигирма сутка ичида Наманган вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи судья:

Б.Эргашев

